

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ
ОЛИЙ ВА ЎРТА МАХСУС ТАЪЛИМ ВАЗИРЛИГИ

ФАРҒОНА ДАВЛАТ УНИВЕРСИТЕТИ

**FarDU.
ILMIY
XABARLAR-**

1995 йилдан нашр этилади
Йилда 6 марта чиқади

5-2020

**НАУЧНЫЙ
ВЕСТНИК.
ФерГУ**

Издаётся с 1995 года
Выходит 6 раз в год

М.Холиқов, М.Мелиқўзиева	
Балиқларда учрайдиган юқумли касалликлар.....	163
И.Сиддиқов	
Олий таълим муассасалари ходимларини бошқаришнинг замонавий усуллари.....	167
И.Рахимов	
Янги Ўзбекистонда маҳалла институтининг стратегик босқичлари.....	171
Ф.Абдулбоқиев	
Фарғона водийси демографик ривожланишининг ўзига хос жиҳатлари.....	175
М.Саидакбарова	
Алишер Навоий жамият равнақи ва инсон омили ҳақида.....	179
Я.Нишанов	
Бадий асарнинг миграция омиллари.....	182
Г.Қосимова	
“Бобурнома”да эпик баён ва лирик ифода.....	184
Г.Орипова	
Лирик композицияда қофиянинг ўрни.....	187
Ш.Каримова	
Ҳозирги замон инглиз ва ўзбек тилшунослигида қўшма гапларга турли ёндашувлар.....	190
Э.Ибрагимова	
Сўзловчи муносабатининг эстетик функцияси.....	192
Д.Рустамов	
Мулоқот турлари классификацияси хусусида.....	195
Г.Розиқова,	
Маҳмуд Кошғарий “Девон” ида нон билан боғлиқ тушунчаларнинг лисоний ифодаси.....	201
М.Алиева	
Терминологик майдон бирлиги.....	204
М.Абдураҳманов	
Таржимада муқобилсиз лексиканинг айрим хусусиятлари	208
Г.Исакова	
“Қанотли сўзлар”да ватанпарварлик туйғуси.....	211
С.Қурбонова	
Прагматик тадқиқот асосларига доир.....	214
Н.Ахмаджонов	
Жаҳон ва ўзбек тилшунослигида прецедент номларнинг ўрганилиши.....	217
Х.Сотвалдиева	
Халқ мақоллари ва маталлари, улардан дарс жараёнида фойдаланиш.....	221
Р.Юлдашов	
Педагогик ташхис – ўқитувчиларнинг узлуксиз малакасини ошириш воситаси.....	225
М.Рустамов	
Бурҳониддин ал-Марғиноний асарларининг ёшлар таълим-тарбиясидаги аҳамияти.....	228
А.Тураханов	
Техник тайёргарлик жараёнида спортчиларнинг координацион қобилиятларини ривожлантириш имкониятлари.....	231

ФАНИМИЗ ФИДОИЙЛАРИ

Забардаст туркийшунос олим.....	234
Академик Шокир Қосимович Фармонов 80 ёшда.....	237

УДК: 413.0

ҲОЗИРГИ ЗАМОН ИНГЛИЗ ВА ЎЗБЕК ТИЛШУНОСЛИГИДА ҚЎШМА ГАПЛАРГА ТУРЛИ
ЁНДАШУВЛАР

РАЗЛИЧНЫЕ ПОДХОДЫ К СЛОЖНЫМ ПРЕДЛОЖЕНИЯМ В СОВРЕМЕННОМ
АНГЛИЙСКОМ И УЗБЕКСКОМ ЯЗЫКОЗНАНИИ

THE INVESTIGATION OF DIFFERENT APPROACHES OF COMPOSITE SENTENCES IN
MODERN ENGLISH AND UZBEK LINGUISTICS

Ш.Каримова¹

¹ Ш.Каримова

– ФарДУ, инглиз тили кафедраси ўқитувчиси.

Аннотация

Мақолада ҳозирги замон инглиз ва ўзбек тилшунослигида қўшма гапларга турли ёндашувлар тадқиқ этилган. Шунингдек, тилшуносларнинг қўшма гаплар ҳақидаги таҳлиллари келтирилган.

Аннотация

В статье изучены различные подходы к сложным предложениям в современном английском и узбекском языках. Приводятся также анализ гипотез лингвистов о сложных предложениях.

Annotation

The different approaches of composite sentences in modern linguistic of English and Uzbek languages are investigated in the article. Moreover, the analysis of linguists' opinions about composite sentences is given.

Таянч сўз ва иборалар: гап, қўшма гаплар, турли ёндашув, грамматик қурилиш, оҳанг, боғловчи воситали, боғловчи воситасиз.

Ключевые слова и выражения: предложение, сложные предложения, различные подходы, грамматическая конструкция, интонация, союзные предложения, бессоюзные предложения.

Keywords and expressions: sentence, composite sentence, different approaches, grammar structure, intonation, syndetic, asyndetic.

Тил мулоқот воситаси сифатида намоён бўлиб, у инсониятни дунёдаги бошқа тирик мавжудотлардан ажратиб турувчи хусусиятлардан биридир. Тил кўникмалари асосан тил бирликлари ёрдамида тақдим этилади. Тил бирликлари орасида гаплар муҳим ўринни эгаллаб, гаплар яхлит фикрни ифодаловчи мураккаб конструкция сифатида изоҳланади.

Тилшунослар томонидан гапга берилган таърифлар мазмунан бир-биридан фарқланади. М.Ҳамроев гапни ажралмас нутқий бирлик сифатида таърифлаб, аниқ бир синтактик қолипга туширилган сўзлардан ташкил топиши ва сўзлашув мақсадига кўра фарқланишини изоҳлайди.

Ў.Юсупов эса гапни минимал синтактик конструкция ҳисоблаб, предикативлик билан таърифланишини, сўзлашув нутқида қўлланилишини ва аниқ бир қурилиш схемасига эга бўлишини ифодалайди.

Б.Ильиш фикрига кўра эса, гапни аниқ ва қониқарли таърифга эга эмаслигини таъкидлайди. Унингча, гап – бу, нафақат сўзлашув воситаси, балки сўзлашувчининг нутқида бўлган муносабатини ҳам ифодалайди. Фақат турли хил тушунчаларни ифодалайдиган сўз ва сўз бирикмаларидан фарқли равишда,

гап тугал маънога эга ва у одамлар томонидан оғзаки, ёзма шаклда, хабар қилганда, фикр тушунтирилаётганда ва шу каби турли сўзлашув воситаси сифатида фойдаланилади.

Гаплар тузилишига кўра содда гаплар ва қўшма гапларга бўлиниб, қўшма гаплар ҳақидаги изланишлар кўплаб тилшуносларнинг қизиқарли тадқиқот объектига айланган. Қўшма гаплар ҳақидаги тадқиқотлар узоқ йиллардан бери долзарб бўлиб келмоқда. “Composite” (қўшма) сўзи дастлаб Х.Поустма томонидан фойдаланилган бўлиб, у ҳам тенг боғланган (compound) гаплар ва эргаш (complex) гапли қўшма гаплар учун ҳам тегишли атама сифатида ишлатилган.

Тилшунослардан М. Ирискулов қўшма гапларнинг қуйидаги турларини таъкидлайди:

1. Боғланган қўшма гаплар (compound sentence). Ўз ичига икки ва ундан ортиқ мустақил қисмларни олади (тобелик мавжуд эмас).

2. Эргашган қўшма гаплар (complex sentence). Ўз ичига бир тобе ва бир ёки ундан ортиқ мустақил қисмларни олади. Тобе қисм бош қисмни, яъни мустақил қисмни ифодалаб келади.

3. Мураккаб қўшма гаплар (the compound – complex sentence). Икки хил қўшма гаплар

йиғиндисидан ҳосил бўлади ва тузилишига кўра камида 2 та мустақил ва камида 1 та тобе қисмлардан ташкил топади [4,75].

Х.Свитнинг фикрига кўра, тузилиши жиҳатидан гаплар икки хил, яъни қўшма гапда қисмлар бир-бири билан тобеланиб боғланади. Иккинчи қисм доимо мустақил қисмга тобеланиб боғланади. Мураккаб гапнинг тобе қисми тенг боғланиши ёки эргашиб боғланиши мумкин [5,98].

Б.А.Ильиш қўшма гапларни тадқиқ қилар экан, уни қўшма гап қисмларини боғланиш усулларига кўра таҳлил қилади. Қўшма гаплар махсус сўзлар ёрдамида ёки сўзларнинг ёрдамисиз амалга оширилиши мумкин. Яъни, боғловчи воситали ёки боғловчи воситаларсиз. Агар қўшма гап қисмлари махсус боғловчи воситалар ёрдамида боғланса (қисмлар боғланган - syndetic), бундай қўшма гаплар боғланган қўшма гаплар деб аталади. Масалан: I know where he lives. I know what he said. Аксинча, боғловчи воситаларсиз боғланса, боғловчисиз қўшма гаплар (asyndetic) ҳосил бўлади. Ёзма нутқда бу, тиниш белгилари орқали, оғзаки нутқда эса оҳанг ёрдамида амалга оширилади [3,251].

Тилшунослардан М.Шералиев, Н.Саиранбоев, К.Сартбаев, Н.Гаджиевалар қўшма гапларга тилшунос А.Рифтин таълимотидан келиб чиққан ҳолда ёндашадилар. Қўшма гаплар А.Рифтин фикрига кўра, икки хил йўл билан юзага келади:

1. Икки содда гапнинг бир киши орқали:

2. Содда гап таркибидаги сифатдош, равишдош ёки шарт феълли бошқарув бирикмалар кенгайиб, алоҳида гап ташкил этиши усули орқали [2,164].

А.Рифтиннинг фикрига кўра, флектив тиллар учун биринчи йўл асос бўлса, агглютинатив тиллар учун қўшма гап келиб чиқишининг асоси иккинчи усулдир. Айрим олимлар туркий тилларда қўшма гаплар содда гапларнинг бирикиши орқали шаклланганини ифодаласа, қолганлар эса қўшма гап тараққиётининг иккинчи йўлини тан оладилар.

Кўплаб олимлар А.Рифтиннинг фикри етарли асосга эга эмаслигига ва қўшма гап

тараққиётида ҳар икки усул мумкин эканлигини кўрсатадилар.

Қўшма гап ҳақидаги навбатдаги ёндашув С.Усмоновга тегишли бўлиб, у ўз фикрини билдиришда қўшма гапларнинг ҳосил бўлишида “оҳанг” аҳамиятини алоҳида таъкидлайди. Унингча, қўшма гап қисмлари бўлган содда гапларнинг ўзаро бирикиши ёрдамчи сўзлар (боғловчилар, кўмакчилар, юктамалар), боғловчи вазифасидаги сўзлар, турли аффикслар, интонация орқали амалга оширилади. Барча ҳолларда қўшма гап оҳанг жиҳатдан бир бутунликни ташкил этади.

Қўшма гаплар ҳақидаги навбатдаги ёндашув ўзига хос бўлиб, у ҳозирги замон ўзбек тилида баён этилган замонавий ва мукамал ёндашувлардан бири, деб ҳисобланади. Унга кўра, гап учун муҳим белги саналган кесимлик белгисининг миқдори гапларни содда ва қўшма гапларга бўлишга асос бўлади. Битта кесимлик белгисига эга бўлган гап содда, икки ва ундан ортиқ кесимлик белгисига эга бўлган гап эса қўшма гап саналади. Қўшма гап икки ва ундан ортиқ содда гапларнинг ўзаро грамматик ва мазмуний муносабатидан ташкил топади [1,41].

Хулоса қилиб айтганда, қўшма гаплар мавзуси турли даврларда ҳам ўз долзарблигини йўқотмай, кўплаб тилшунослар томонидан қизиқиш билан ўрганилган мавзу ҳисобланади. Юқорида биз гапга берилган турли таърифлар ва қўшма гапларга тилшуносларнинг турли ёндашувларини келтириб ўтдик. Яқунда шуни таъкидлаш керакки, “Бир ёки бир нечта сўздан ташкил топган, предикативлик хусусиятига ва оҳанг бутунлигига эга бўлган грамматик қурилишга гап дейилади”. Қўшма гаплар ҳақидаги турли ёндашувлар эса тилшуносларнинг тадқиқот йўналишларидан келиб чиққан ҳолда, яъни қўшма гап тузилишига кўра, боғловчи воситаларнинг ишлатилишига кўра, боғланиш усулларига кўра ёндашишга ҳаракат қилишган. Унга берилган тугал таъриф эса қуйидагича: “Қўшма гаплар – тўлиқ иккита предикативли конструкциядан ташкил топган, шакл, маъно ва оҳанг бирлигига эга яхлит синтактик бирликлардир”.

Адабиётлар:

1. Абдурахмонов Ф. Ўзбек тили грамматикаси. Синтаксис. –Т.: Ўқитувчи, 1991.
2. Бобоева З. М. Сопоставительный анализ сложносочиненных предложений в таджикском и английском языках. дис. ... канд. филол. наук. –Душанбе.: 2014.
3. Волощенко М.В. Реализация семантики сопоставления в сложном предложении. Автореф. дисс. канд. филол. наук. М., 2010.
4. Ильиш Б.А. Строй современного английского языка. / Учеб.пос. для студ. пед. ин-тов. -2-е изд. Л.: Просвещение, 1971.
5. Мамажонов А., Розикова Г. Гапларнинг шаклий - мазмуний тузилишига кўра турлари. –Ф, 2004.
6. Юсупов Ў. Инглиз тили грамматикасидан универсал қўлланма. –Т, 2014.

(Тақризчи: Ш.Искандарова – филология фанлари доктори, профессор).